

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жонажон Ватанимиз — Ўзбекистонимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгилашни жараёнлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг кадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўтган давр биз учун ғоят муҳим бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда. Эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажагимизни фақат мустақиллик асосида қуришимиз, одамларимиз, эл-юртимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Фақат мустақиллик бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли кўрилмаган имкониятлар очиб беради.

Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутади.

Халқимизнинг асрий орузси бўлган, Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, мамлакатимизни халқро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирган Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма етти йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **“Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!”** деган ғояни ўзида муҳассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Мазкур дастур 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишни бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури билан уйғун ҳолда тайёрлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ўн бешинчи ялпи мажлиси
тўғрисида
АХБОРОТ

2018 йил 28 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Ялпи мажлисда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Сенаторлар ишни “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқишдан бошлади-лар. Қонун шахс, жамият ва давлатнинг экстремизмдан хавфсизлигини таъминлаш-га, Ўзбекистон Республика-сининг конституциявий ту-зумини, ҳудудий яхлитлиги-ни ҳимоя қилишга, фуқаро-лар тинчлигини, миллат-лараро ва конфессия-лараро тотувлигини сақлаш-га қаратилган.

Қонунда экстремизмга қарши курашнинг асосий тушунчалари, принциплари ва йўналишлари, бу соҳада фаолиятни амалга оширувчи органлар доираси ва улар-нинг ваколатлари, экстре-мизмга қарши курашиш чора-тадбирлари, шунингдек, экстремистик фаолиятни амалга оширганили учун жа-вобгарлик назарда тутилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонун аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий ма-даниятини юксалтиришга, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик му-носабатини шакллантириш-га, экстремизм соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш, аниқ-лаш ва уларга чек қўйишга, шунингдек, жавобгарлик-нинг муқаррарлиги принци-пини таъминлашга, халқро умумэтироф этилган нор-малар ва стандартларни ижро этишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томони-дан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар “Ме-диация тўғрисида”ги Ўзе-бистон Республикаси Қону-

(Давоми 5-бетда).

Бунда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, айниқса, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳани, хусусан, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, туризм ва спорт тармоқларини ривожлантириш, тинчлик-осойишталик ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ташки сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини илмий-маърифий асосда, ҳаётий мисоллар орқали очиб беришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Республика комиссияси ўз ййғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, тасъирдоли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари-дан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурла-рини амалга ошириш ислоҳотларимиз ичига энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки биз халқимиз олдида уларнинг муаммоларини ҳал этиш, турмуш шароити ва ҳаёти сифатини яхшилашга бурчлимиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ИНСОН ҚАДРИ — УЛУФ

У эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак.

Инсон дунёда умид билан яшайди. “Орзуларимга етай, шинам уй-жойим бўлса, ён-атрофимда кулай шароит, бекаму раът мухит ҳукм сурса, жамият-га, раиятга, давлатга, оиламга, ота-онамга, дўсту ёрларга, маҳалла-қўйга,

қишлоғимга, юртимга фойдам тегса, муроду мақсадим ушалса”, дейди. Кексалар “Одам боласи ҳаётдан рози бўлса, тоғни толқон қилад” дейишад. Ким буни тушунар, ким буни англа-мас. Президентимиз ҳар бир инсон умид

билан яшар экан, эртага, индин ёки ун-дан кейин эмас, ҳозир, шу бугун ниятига етишини, умридан, ҳаётидан, ҳар бир ку-нидан рози, мамнун бўлишини istайди.

(Давоми 3, 4-бетларда).

ЎХАМЖИХАТЛИК

САМАРҚАНДДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ЁШЛАРИ АНЖУМАНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббу-си билан мамлакатимизда илк мартаба Марказий Осиё ёшлар форуми ўтказилмоқда.



Мазкур форумни ўтказиш-дан асосий мақсад минтақа-миз ёшлари билан ҳамкор-ликда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа ва дастурларни амалга оширишдан иборат-дир.

Нуфузли тадбирда мамла-катимиз делегацияси аъзола-ри, жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қозоғис-тоннинг “Жас отан” ёшлар қаноти ҳамда “Нур отан” партияси, Қирғизистоннинг Давлат ёшлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси агентлиги, Тожикистоннинг Республика Ҳукумати Ёшлар ва спорт қўмитаси ҳамда Туркманистоннинг спорт ва

«Обод қишлоқ»
дастури



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ
ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш, инвестицияларни фаол жалб қилиш туризм соҳасини янада ривожлантириш учун қулай иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга хизмат қилди.

Шу билан бирга, туризм босқичма-босқич мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғига айланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда минтақаларнинг салоҳиятини туризм соҳасига тўлиқ жалб этишни, хизматлар соҳасини ривожлантиришни, Буюк Ипак йўлида туризм йўналишининг жозибадор маркази сифатида республиканинг ижобий қиёфасини шакллантиришни таъминлайдиган, юқори малакали ва жаҳон туризм индустрияси бозорида рақобатбардош кадрларни тайёрлашга объектив зарурат юзага келмоқда.

Халқро туризм соҳасида профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ҳамда илмий тадқиқот ишлари ва ижодий ишларни олиб бориш бўйича республиканинг ташаббусларини амалий рўёбга чиқариш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг тарихий ва маданий-гуманитар алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Самарқанд шаҳрида **“Ипак йўли” туризм халқаро университети**ни (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тасдиқлаш розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологияларни, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаган ҳолда, туризм соҳасида юқори малакали профессионал кадрларни миллий ва халқро таълим стандартларига мувофиқ сифатли тайёрлашни таъминлаш;

таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув-методик адабиётларни яратиш, ёш талабалар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш, туризм соҳасида таълим тизимига етакчи хорижий таълим муассасалари тажрибасини жорий қилиш;

туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга қаратилган янги таълим дастурларини ҳамда ўқитишнинг инновацион шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

истиқболли ёш битирувчиларни чет эл олий таълим муассасаларига ва илмий-тадқиқот марказларига магистратура ҳамда докторантурада ўқишга мунтазам равишда юбориш орқали Университетнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларини фаол такомиллаштириш;

(Давоми 2-бетда).

томоша қилишга, форум-нинг очилиш маросимида қатнашиш учун Самарқанд вилояти ҳокимлиги бйноси-да ййғилиши.

Бу ерда уюштирилган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан биринчи марта ўткази-лаётган форум Марказий Осиё давлатлари ўртасида тарихан қарор топган дўстлик

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

⟨(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан узвий интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш;

туризм соҳаси субъектлари мутахассисларини қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

туристик фаолиятни ва туризм соҳасида йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошириш;
етакчи республика ва хорижий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни, жумладан, уларнинг мутахассис ҳамда экспертларини ўқитиш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш жараёнидаги жалб қилиш орқали ривожлантириш, туризм соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш бўйича халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Университет олий таълим муассасаси — юридик шахс шаклидаги Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағлари ва мол-мулк билан жавоб беради;

Университетда ўқув-методик раҳбарлик ва таълим жараёнини юритиш илғор инновацион ҳамда илмий-педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан таъминланади;

Университет Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмасига қиради;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси аynи вақтда Университетнинг бош менежери ҳисобланади;

Университет ректори Университет профессор-ўқитувчиларининг таркиби тўлиқ шакллантирилгунга қадар Университетнинг Васийлик кенгаши томонидан сайланади, кейинчалик эса Университет уставида белгиланадиган тартибда профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан ёпиқ овоз бериш орқали сайланади;
Университетда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб халқаро туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизими қўлланилади;

Университетда ўқиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади, бакалавриатда Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда иккита чет тили: биринчиси — инглиз (француз, немис) тили, иккинчиси — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг расмий тилларидаан (рус, хитой) бири ўқитилади;

Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат деб эътироф этиладиган, белгиланган намунадаги диплом берилади.

4. Қуйидагилар:

“Ипак йўли” туризм халқаро университетининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

“Ипак йўли” туризм халқаро университети фаолиятини ташкил этиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ;

“Ипак йўли” туризм халқаро университети Васийлик кенгашининг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Университетнинг Васийлик кенгашига Университет тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Университетнинг Васийлик кенгаши қуйдаги йўналишлар бўйича Университетнинг ривожланишига қўмаклашувчи жамоатчилик бошқарувининг олий органи этиб белгилансин:

туризм соҳасида олий таълимни ривожлантиришга қўмаклашувчи янги шакллар, дастурлар ва истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, туризм соҳасидаги субъектлар фаолиятига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича давлат, жамоат ва бизнес тузилмалар билан янада самарали ҳамкорлик қилиш;

ҳамкорлик тўғрисидаги шериклик битимларини тузиш амалиётини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш; таълим ва илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантириш;

Университет педагог ва бошқа ходимларининг меҳнат шароитларини ҳамда уларнинг ижтимоий таъминотини яхшилаш;

Университетга молиявий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, унинг фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, ҳомийлик хайриялари ва бошқа манбаларни жалб қилишда қўмаклашиш.

6. Университетнинг Васийлик кенгаши:

манфаатдор вазирлик ва идораларнинг Университет фаолиятини ташкил этиш бўйича иши мувофиқлаштирилишини, ўқув мажмуаси тайёрланишини ва 2018 йил 1 октябрдан ўқув жараёни бошлансин;

Университетга ажратилаётган биноларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун зарур молиявий маблағлар сафарбар этилишини, ушбу биноларнинг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, инвентарь, компьютер ва бошқа ташкилий техника, кутубхона фонди билан жиҳозланишини;

Университетда ўқув жараёнини ташкил этиш учун малакали профессор-ўқитувчилар, жумладан, хориждан ўқитувчилар, олимлар ва мутахассислар жалб этилишини таъминласин.

7. 2018/2019 ўқув йилида Университет бакалавриатига қабул қилиш квотаси 4-иловага мувофиқ таълим йўналишлари юзасидан, қонун ҳужжатларига мувофиқ оширилган контракт ставкалари бўйича қўшимча қабул қилиш имконияти билан, 125 киши, жумладан, давлат грантларига кўра, 42 киши этиб белгилансин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2018/2019 ўқув йилида Университетга абитуриентларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қўшига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади;

б) абитуриентларни, чет эл фуқаролари бундан мустасно, Университет бакалавриатига қабул қилиш тест синовларини ўтказиш орқали амалга оширилади;

в) чет эл фуқаролари Университет бакалавриатига белгиланган қабул квотасидан ташқари суҳбат ўтказиш орқали тўлов-контракт асосида қабул қилинади;

г) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

Университетга талабаларни бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул қилиш квоталари сони туризм соҳасида меҳнат ресурсларига бўлган талаб прогнозидан ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг мақсадли буюртмаларидан келиб чиққан ҳолда, Университетнинг Васийлик кенгаши томонидан белгиланади;

илғор, эътироф этилган халқаро имтиҳон тизимлари (TOEFL, IELTS, CEFR, SAT General, SAT Subject ва бошқалар) сертификатларига эга бўлган абитуриентларга тегишли фанлардан белгиланган тартибда энг юқори балл берилади ва келгусида улар ушбу фанлар бўйича тест синовларидан озод қилинади; Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Меҳмонхона ҳўжалиғини ташкил қилиш ва бошқариш” ҳамда “Туризм (фаолият йўналишлари юзасидан)” таълим йўналишлари бўйича бакалавриат ва магистратурага қабул тугатилади.

9. Университетнинг Васийлик кенгаши уч ой муддатда:

2019/2020 ўқув йилидан Университетнинг бакалавриати ва магистратурасига абитуриентларни, шунингдек, мазкур қарор билан белгиланаетган талабларни инобатга олган ҳолда чет эл фуқароларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомини;

Университетда халқаро туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизими тўғрисидаги низомини тасдиқласин.

10. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданий вазирлиги, Университетда кадрлар тайёрлаш бўйича буюртмачиларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

туризм соҳасида юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни республика ҳудудлари кесимида аниқлаш; талабаларнинг туристик инфратузилма ва намойиш объектлари ҳамда мажмуаларида, жумладан, маданий мерос объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, музейлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларида амалиёт ўташларини ташкил қилиш ҳамда унинг “Устоз — шоғирд” услубида ўтказилишини таъминлаш;

туристик инфратузилма ва намойиш объектлари ҳамда мажмуаларида, жумладан, маданий мерос объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, музейлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларида амалиёт ўташ учун малака базаларини тақдим этиш.

Кадрлар буюртмачилари, талабалар учун Университетни тамомлагандан кейин 5 йил давомида кадрлар буюртмачиси томонидан белгиланган ташкилотларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбуриятларини ўрнатган ҳолда, улар ва талабалар ўртасида шартнома тузиш орқали талабалар контрактининг базавий қиймати тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилсин.

11. Университетга қуйдаги ҳуқуқлар берилсин:

истисно тариксида, илғор тажрибани ва ўқув жараёнининг амалиёт билан интеграциясини инобатга олиб таълим стандартлари, малакавий талаблар, ўқув режалари ва ўқув дастурлари, шунингдек, талабалар билимларини баҳолаш тизимини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва Университет Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлаш;

профессор-ўқитувчилар таркибининг фаолият турлари бўйича вақт меъёрларини белгилаш;

Университет таълим йўналишлари бўйича педагог кадрларни, шунингдек, туризм соҳаси субъектлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

туризм соҳасида кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чикиб, Университет Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда янги истиқболли ўқув йўналишлари ва мутахассисликларини очиш;

бакалавриат, магистратура ва олий ўқув юртидан кейинги таълим йўналишлари бўйича етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини жорий этиш;

Университет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий ва хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш, ходимларни моддий рағбатлантириш учун бюджетдан ташқари (жумладан, тўлов-контракт асосидаги таълимдан тушаётган) маблағларни улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш шarti билан белгиланган тартибда тасарруф этиш;

Университетнинг фаолият йўналишлари бўйича шартнома асосида консалтинг ва эксперт-таҳлилий хизматлар кўрсатиш, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва инновацион-инвестициявий тузилмаларни ташкил этиш.

12. Белгилаб қўйилсинки:

Университет учун кундузги таълим шакли бўйича бир ўқитувчига талабалар сонининг нисбий нормативи 1:8,0 этиб белгиланади;

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси билан келишилган ҳолда, Университетга сиртки ва кечки бўлимларда таълим олиш учун абитуриентлар қабул қилиниши мумкин;

бюджет маблағлари ҳисобидан Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркибига ҳар ой лавозим маошининг 100 фоизи миқдорига, туризм соҳаси бўйича халқаро миқёсда тан олнган хорижий олий таълим муассасалари дипломига эга бўлган ва Университет ўқув жараёнига тўлиқ ставкада жалб қилинган ўқитувчиларга — 150 фоизи миқдорида устама тўланади;

Университет ректорига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Университет ходимларига уларнинг иш ҳажми ва самарадорлиғини ҳисобга олган ҳолда, улар лавозим маошининг 100 фоизигага бўлган миқдорда қўшимча ойлик устама белгилаш ҳуқуқи берилади;

туристик инфратузилма ва намойиш объектлари ҳамда мажмуалари, жумладан, маданий мерос объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, музейлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларидан Университет талабалари ва илмий ходимларининг амалиёт ўташ жойлари сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

а) бир ой муддатда Университетнинг таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, келишилиши ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи билан биргаликда 2018 йил 15 сентябрга қадар муддатда:

тасдиқланган тузилмага мувофиқ, Университетнинг бўлимлари, факультетлари ва кафедралари шакллантирилишини, унинг таълим тизими ва туризм соҳасида замонавий билимларга, шунингдек, амалий иш тажрибасига эга юқори малакали мутахассислар, жумладан, хорижий мамлакатлар мутахассислари билан тўлдирилишини, ўқитувчи ва мутахассисларнинг профессионал кўникмалари ва билим даражаларини узлуксиз ошириш учун шарт-шароитлар яратилишини;

зарур ўқув режалари ва ўқув дастурлари, ўқув-методик материаллар ва қўлланмалар ишлаб чиқилиши ва кафедраларга тақдим этилишини таъминласин.

14. Университет тузилмасида:

Туризм соҳасида инновациялар маркази ташкил этилсин, унга туризмни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, шунингдек, уларни ҳал қилишнинг инновацион йўлларини ишлаб чиқиш, туризм соҳасида стартапларни қўллаб-қувватлашнинг тўлиқ циклини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари юклансин;

Туризм соҳасида ахборот технологиялари маркази ташкил этилсин, ушбу марказ рақамли туризмни ривожлантиришга қўмаклашиш ва ушбу йўналишда замонавий дастурий таъминотни ишлаб чиқиш учун масъул ҳисобланади.

15. Қуйидагилар Университет фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

ўҳжалик фаолияти бўйича ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хорижий мамлакатлар, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг мақсадли маблағлари; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

2018 йилда Университетни сақлаб туриш учун бюджет маблағлари ижтимоий соҳа учун назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлар параметрларида назарда тутилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Университетга 4 та автотранспорт воситаси, жумладан, 2 та хизмат, 1 та навбатчи ва 1 та туризм тоифасига оид автобусни саклаш учун лимит ажратсин.

17. Самарқанд вилояти ҳокимлиғи, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Самарқанд шаҳри, Университет шоҳкўчаси, 17-уй манзилида жойлашган Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейининг бино ва иншоотларини туташ ҳудуди билан биргаликда Университетга оператив бошқариш ҳуқуқи билан бегараз бериш;

Самарқанд шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 57-уй манзилида жойлашган Самарқанд қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг бино ва иншоотларини туташ ҳудуди билан биргаликда Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бегараз бериш;

Самарқанд қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежига 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қабул тўхтатилганлиғини инобатга олиб, Самарқанд қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежини Сиёб қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи билан бирлаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

18. Самарқанд вилояти ҳокимлиғи, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи 2018 йил 15 сентябрга қадар муддатда биринчи босқичда Университетдаги зарур ишларнинг қуйдаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини таъминласин:

Университет бино ва иншоотларини таъмирлаш-тиклаш ишларини — Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети маблағлари;

Университетни компьютер ва бошқа ташкилий техника, жумладан, масофадан ва онлайн ўқитишни ташкил этиш учун зарур бўлган ўқув техника воситалари, туризм масалалари бўйича ўқув адабиётлар ва кутубхона фонди билан жиҳозлашни — Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

Университетни мебель (парталар, столлар, стуллар ва бошқалар), инвентарь, замонавий лаборатория жиҳозлари, шунингдек, ўқув адабиётлари ва кутубхона фонди билан жиҳозлашни — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи ҳузуридаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари.

19. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

Университет фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари, донорлар ва бошқа хорижий ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра, 2019 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда Университетнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, туташ ҳудудларни ободонлаштириш учун зарур маблағларни ажратишни назарда тусин.

20. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи ҳамда Ташқи ишлар вазирлиғи Университет профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг хорижий туризм компаниялари, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида малакасини оширишини, жумладан, иқтидорли мутахассислар ушбу муассасаларнинг магистратура ва докторантурасига ўқишга юборилишини, шунингдек, юқори малакали хорижий ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларни Университет таълим жараёнига кенг жалб қилинишини ташкил этсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиғи Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот марказининг ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтларининг грантлари, бюджет маблағлари ва Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиғи Университетнинг буюртмалари бўйича белгиланган тартибда:

ушбу қарорни амалга ошириш доирасида Университетга жалб этиладиган хорижий ўқитувчилар, олимлар ва мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмаган ҳолда расмийлаштирилишини;

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан бўлган талабаларга уларнинг Университетда бутун таълим олиш даврига узоқ муддатли кўп марталиқ кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи Университет буюртмаларига биноан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан бўлган талабаларга, Университетда ишлаш учун жалб қилинадиган хорижий ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларга давлат божлари тўлашдан озод этилган ҳолда кўп марталиқ визалар берилиши ва узайтирилиши, шунингдек, вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мuddати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи Университет буюртмаларига биноан Университетга юклатилган вазифаларни бажариш учун хориждан ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларни республикага жалб этишга рухсатномалар берилиши (мuddати узайтирилиши)ни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини таъминласин.

24. Университет 2021 йил 1 январга қадар муддатда Университетни жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий махсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиёт, инвентарь ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

25. Университет:

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиғи, Ички ишлар вазирлиғи, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа соҳавий вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мажбурий (бир нусхада) юбориладиган ташкилотлар рўйхатига;

босма ва китоб махсулотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар)нинг бепул нусхалари (бир нусхада) оладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий юбориладиган рўйхатга киритилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитас

ИНСОН ҚАДРИ — УЛУФ

У эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак.

«Жойлардаги ҳақиқий аҳволни биз халқимиздан яширмаймиз ва борини қандай бўлса, шундай кўрсатиб борамиз. Албатта, бу кўпчиликка ёқмаяпти, кўп раҳбарлар буни ҳазм қила олмаяпти. Лекин биз бу борадаги барча ҳолатни ва бошлаган ишларимизни халқимиз билан бамаслаҳат ва жамоатчилик назорати остида амалга оширамиз».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу — улугвор мақсад, эзгу амал, абадиятга дахлдор фикрат.

Зеро, бугун одамларни рози қилиш — келажғимизни гўзал, бетакрор, улкан салоҳият ва қудрат касб этишини таъминлайди. Бу — инкор қилиб бўлмас ҳақиқат. Чунончи, бахтли одамларгина дунёни янгилашга, ўзгартиришга қодир. Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда жўшқин ҳамда жадал ислохотлар даврига кирди. Шу ислохотларнинг энг устуворларида, муҳимларидан бири “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурларидир.

Маъмур дастурлар, авваламбор, халқимиз руҳиятини кўтаришга, унинг ички имкониятларини кўпайтиришга, шахс сифатидаги камолотини юксалтиришга, унинг қадр-қимматини, ҳурматини жойига қўйишга қаратилгани билан долзарб ва аҳамиятлидир. Бироқ...

Бу эзгу, хайрли, юртимиз истикболи учун ўта муҳим дастурлар ижросида яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, лоқайдлик, бепарволик, хаспўслашга берилиш иллатлари кўзга ташланаяптики, бунга асло чидаб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 27 июнь кuni “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш масалаларига бағишланган видеоинтервюсида бу борадаги ишларни чуқур таҳлил қилар экан, жумладан, шундай деди: “Жойлардаги ҳақиқий аҳволни биз халқимиздан яширмаймиз ва борини қандай бўлса, шундай кўрсатиб борамиз. Албатта, бу кўпчиликка ёқмаяпти, кўп раҳбарлар бунга ҳазм қила олмаяпти. Лекин биз бу борадаги барча ҳолатни ва бошлаган ишларимизни халқимиз билан бамаслаҳат ва жамоатчилик назорати остида амалга оширамиз”.

Бажарилган ишлардан бажарилмагани кўпроқ...

Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, жорий йилда Самарқанд вилояти туманларидаги 28 қишлоқ, Самарқанд ҳамда Каттакўрғон шаҳарларидаги 4 маҳаллада қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Самарқанд туманидаги Меҳробод ва Илмонсой қишлоқлари ҳам жорий йил дастурига киритилиб, ушбу аҳоли пунктларида яқка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш, электр, ичимлик суви тармоқларини тортиш ҳамда қайта тиклаш, каналлзация кудуғи ва йўлларни таъмирлаш, бозор ҳамда

бошқа инфратузилма объектларини қуриш белгиланган.

Жумладан, туманнинг энг чекка ҳудуди — Меҳробод қишлоғида 2200 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Одамлар, асосан, деҳқончилик, богдорчилик билан шуғулланади. Қишлоққа яқин паррандачилик корхоналарида меҳнат қиладиганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Умуман, қишлоқда яшовчи ҳар бир киши ҳалол меҳнат қилиб, яхши турмуш кечиришни истади ва шунга интилади.

Аммо ҳудуддаги 410 та оиланинг 32 таси яшайдиган тўрт қаватли уйда замон талабига мос шароит яратиб олиш учун аҳолининг ўз имконияти етмайди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан қурилган бу уйда каналлзация тармоғи мавжуд эмас. Ўз-ўзидан аёнки, хожатхона ҳам йўқ. Ҳатто ичимлик сувини ҳам аҳоли уй ёнидаги қрандан ташиб келади. Уйнинг тоmidан чакка ўтади. Бинонинг ташқи қисми, йўлаклар, хонадонлар таъмирталаб.

— Шу сабабдан ҳам ушбу қишлоқни дастур асосида обод қилиш режалаштирилди, — дейди Самарқанд тумани ҳокими ўринбосари Қўрбон Қурбонов. — Биринчи навбатда, уйнинг том қисми тўлиқ таъмирланди. Ерғўла тозаланиб, тартибга келтирилди. Ҳар бир киши йўлагига темир эшик қўйилди. Бинонинг ташқи қирини тўлиқ яхшиланди. Айни пайтда қишлоқдаги аҳоли хонадонлари, йўллар, коммуникация тармоқларини янгилашга киришилди.

Дастурга кўра, йил якунига қадар Меҳрободга 2,2 километр сув тармоғи тортилиб, бошқа хонадонлар қаторида юқоридаги кўп қаватли уй ҳам ичимлик суви билан таъминланади. Ҳозирги кунгача битта сув тармоғи қурилган бўлса, яна бир сув иншоотини қуриш ишлари олиб борилмоқда. 2,5 километр электр тармоғи янгиланган. Қишлоқ ҳудудидаги 0,3 километр йўлга асфальт ётқизиш, 2,1 километр йўлга қум-шағал аралашмаси тўлаш ишлари бажарилган. 60 дан ортиқ хонадонларга газ баллонлари ҳамда кўмир тарқатилмоқда. Шунингдек, қишлоқда каналлзация тармоғи тортиш кўзда тутилган. Ҳудуддаги 200 дан ортиқ хонадонларни ҳам таъмирлаш белгиланиб, ҳозирги пайтда туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан ишлар бошланган.

Бундан ташқари, қишлоқдаги умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш, мактабгача таълим муассасаси ҳамда қишлоқ врачлик пункти биноларини реконструкция қилиш ва улар учун ичимлик суви иншооти қуриш белгиланган. Аммо тўлиқ молиялаштирилмагани туфайли белгиланган ишларнинг ярми ҳам амалга оширилмаган. Чунки бизга тақдим этилган маълумотларга кўра, айни вақтда юқоридаги объектлар учун сарфланадиган харажатларнинг аттиги 15 фоизи молиялаштирилган, холос. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари эса, бор-йўғи, 10 фоизни ташкил этади.

Энг ажабланирлиси, дастур асоси-

да обод этилиши керак бўлган Меҳрободнинг замонавий лойиҳаси тегишли лойиҳа институти томонидан ҳалигача тайёрлаб берилмаган. Ахир лойиҳасиз қандай қилиб қишлоқни обод этиш мумкин?

Мутасаддилар негадир шошилмаяпти

Тўрақўрғон туманидаги Гулистон маҳалласида 500 дан зиёд хонадонлар мавжуд. Уларда икки ярим минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳли узоқ йиллардан буён ичимлик суви муаммосидан азият чекиб келади. Чорасизлик курсин, қишлоқнинг юқори қисмидан оқиб ўтадиган Катта Наманган каналининг суви яроқсиз бўлса-да, аҳоли уни истеъмол этишга мажбур бўлмоқда.

Кейинги пайтда ҳолат бир оз юмшагандек бўлди, яъни алоҳида транспорт ажратилиб, маҳаллага тоза ичимлик сувини ташиб келтириш йўлга қўйилди. Лекин бу билан муаммо ечимини топдими?

Гулистонлиқлар ўз ҳудудларининг “Обод қишлоқ” дастурига киритилганлигини эшитиб, бошлари осмонга етганди. Кўп ўтмай, май ойининг биринчи ярмида дастур ижросига киришилди ҳам. Бу ёғи қизиқ. Мутасаддилар куруқ маслаҳатлашувлар ва куруқ ваъдалар билан ўралашиб қолдилар. Узоққа бормасдан, сув муаммосини олайлик. Йил охирига қадар амалга ошириладиган ишлар режасига кўра,

дастлаб ҳаракатни шитоб билан бошлашди. Кейин эса тақа-тақ тўхтатиб қўйишди. Сабаби, муассасамиздаги қурилиш-таъмирлаш юмушлари учун ажратилиши лозим бўлган 555 миллион сўмдан ҳалигача дарак йўқ. Бу масалада ҳали банкка, ҳали бошқа идораларга чопяпмиз. Натижа “ноль”. Дарвоқе, дастлабки лойиҳада янги спорт залини қуриш ҳам мўлжалланган эди. Кейин унга ўзгартириш киритилди. Билсак, бу ўзгартириш эмас, қисқартириш бўлиб қикди. Қайсидир раҳбарнинг кўрсатмаси билан спорт зали қурилишини ўчириб ташлашибди.

Директорнинг ёзғирганича бор, иккинчи қават чала-ярим сувовдан чиқарилганича қолган. Қурувчилардан дом-дарак йўқ.

— Иш ҳақи чўнтакда бўлмагач, қурувчиларимизнинг шашти сўнди, — дейди пудратчи ташкилот — “Тўрақўр-

тирадиган фуқаролар йиғини раиси вазифаси бўш турганлиги эътиборимизни тортди. Собиқ оқсоқол Адҳамжон Шерматов апрель ойи бошида ишдан бўшатишган экан. Ўрнига келган Нурмуҳаммад Давлатов санокли кунгина фаолият юритибди, холос. Бугун ҳудудда кенг микёсдаги бунёдкорлик ишлари давом этаётган, унга жамоатчиликни ҳам фаол жалб қилиш зарурати туғилган паллада ишбошининг ўзи йўқ. Ҳаракатларни суғлаштираётган сабабларнинг бир учи шунга ҳам бориб тақалмасмикан?

Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ

Фарғона вилоятининг 15 туманидаги 30 маҳалла фуқаролар йиғинида “Обод қишлоқ” дастури асосида кенг



ғонободқурилишининг” масъулияти чекланган жамиятининг ушбу иншоотдаги иш юритувчиси Илҳом Бойбобоев. — Мана, қирик кунки, ҳисоб рақамимизга пул тушмаяпти. Вазифалар кўлаmidан келиб чиқиб, иккита бригадани бунёдкорлик ишларига жалб қилгандик...

Дарвоқе, манзилли рўйхатда мақтал таъмири учун тўлов туман маҳаллий бюджетининг даромадлар ошириб бажарилган қисми ва ички имкониятлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган. Унда муаммо қаердан келиб чиқаяпти, ҳайрон қоласан киши.

Гулистон маҳалласида ҳам бошқа

кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Дастур доирасида 163,3 милли-



ард сўм ўзлаштирилиши ҳисобига 10 минг 768 уй-жойни таъмирлаш, 78 километр ичимлик суви ва



ичимлик суви тармоғи иккинчи чоракда қуриб битказилиши шарт эди. Яхши-ку, дерсиз, йўқ, аксинча, ёмон. Ҳали лойиҳа ижроичлар қўлига теккан йўқ, Уни тайёрлашга масъул бўлган “Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари чизмаларни “лағмон”дек чўзишгани чўзишган.

Қишлоқдаги 15-умумтаълим мактаби биноси таъмири ҳам қўл учида, хўжакўрсинга олиб борилаётгандек туюлади, қарасангиз. Бу ерда уч-тўрт нафар энергетик трансформатор қурилмасини номга кўздан кечириб, қисмларини ёқиб-ёқмай, созлаш билан банд. Иситиш тизими қозонхона-сида ҳам икки-уч киши уймалашиб юрибди, холос. Қурувчилар қани? Овоз кўтариб қакиринг, тополмайсиз. Асосий ишни бажариши лозим бўлган қурувчилар кўринмайди.

— 4 та синфхона, бино ичидаги йўлак тўла таъмирланиши, янги хожатхона ва қоровулхона қурилиши керак эди, — дейди мактаб директори Ижобат Ҳақназарова. — Қурувчилар

ҳудудлардаги сингари маҳалла гуза-ри, сартарошхона ҳамда гўзаллик салониини ўз ичига олган маъишый хизмат кўрсатиш шоҳобчаси, ҳаммом қуриш, гулзор ва хиёбонлар барпо этиш, кўча чироқлари ўрнатиш ҳамда бошқа юмушлар кўзда тутилган. Аммо уларни рўёбга чиқариш эса ҳамон пайсалга солинмоқда, ишлар бажарилиш ўрнига қоғозда қолиб кетаяпти.

Бу билан дастур ижроси тамоман ўлда-жўлда, деган фикрдан йироқмиз. Одамлар ҳовли-жойларини тартибга келтиришяпти. Қишлоқ врачлик пункти таъмирдан чиқарилиб, шароитлар яхшиланди. 29-мактабгача таълим муассасаси таъмири тезкорлик билан олиб борилмоқда. 1,8 километр узунликдаги ички йўллarga шағал ётқи-зилгани ҳам бор гап. Маҳалла тадбиркорлари иш ўринлари яратиш, бизнесни ривожлантириш бўйича лойиҳа ва амалий ишлари билан фаоллик кўрсатишяпти.

Шу ўринда айтиш керак, маҳалла-даги ишлар билан танишиш чоғида бу ерда кўпчиликнинг бошини бирик-

99,3 километр электр тармоғи тортиш, 934 тозалаш иншооти қазаш, 123,6 километр хўжалиқларaro ҳамда ички йўлларни, мавжуд трансформаторларни таъмирлаш, 98 ижтимоий, 268 бозор инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлаш каби ишлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Олтириқ туманида бу борада улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди, бошқа жойларда ҳам муайян ишлар давом этмоқда.

Хусусан, Тошлоқ туманидаги “Заркент” ва “Янгийўл” маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар асосида тегишли ишлар бажарилаяпти. Шу кунга қадар 170 кўча чироқлари ўрнатиш, 15 трансформатор таъмирдан чиқарилди, бир қатор кўчаларга асфальт ётқизилди. Шунингдек, кўчалардаги пана-пасткам, кўрмисиз уй-жойлар бузилиб, янгиланмоқда, замонавий маишый хизмат шоҳобчалари қад ростлаётир.

Шу билан бирга, “Обод қишлоқ”

«Обод қишлоқ» дастурига кўра, жорий йилда ҳар бир шаҳарда камида **2** тадан ва 2022 йилгача ҳар йили камида **3** тадан маҳалла қиёфаси тубдан янгиланади. Ичимлик суви, электр ва табиий газ, каналлзация тармоқларида қурилиш-таъмирлаш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш ишлари олиб борилади. Шунингдек, **5** минг **607** километр ички йўллар, **369** ижтимоий соҳа объектини таъмирлаш, **969** бозор инфратузилмаси объекти ва сервис шоҳобчалари барпо этиш мўлжалланган.

дастури асосидаги ишлар маъмур ҳудудларда сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Аҳолини кўп йиллардан буён қийнаб келаятган масалаларга хануз аниқ ечим топилмаган. Чунончи, “Заркент” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ойбек кўчасидаги ҳолат мутасаддиларни умуман қизиқтирмайди. Кўча асфальти таъмирга муҳтож, ичимлик суви йўқ.

Шу кўчада яшовчи Қимматхон Ғофуровнинг айтишича, хонадонига суюлтирилган газ баллонини олишда қийналмоқда. 13-мактабгача таълим муассасаси ҳам хараба аҳволга келиб қолган. Энг ёмон, ҳудуддаги овқатланиш шоҳобчалари санитария-гигиена талабларига умуман жавоб бермайди. Хусусий тадбиркор Шаҳобиддин Жалоловга қарашли овқатланиш шоҳобчасидан чиқаётган оқова сув шундоқ ариққа оқизиб қўйилган. Атрофга таралаётган бадбўй ҳид аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Заркент алоқа бўлимининг ҳудуди ҳам ачинарли аҳволда.

Маъмур кўчада анчадан буён ҳеч қандай ободонлаштириш ишлари олиб борилмагани шундоқ кўриниб турибди. Хонадонлар олди ҳамда ариқ бўйларини ўт босган, қаровсиз.

“Заркент” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маъмиржон Тўхтаназаровнинг айтишича, бу ерда 6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. “Обод қишлоқ” дастури асосидаги ишлар фақат катта йўл бўйида амалга оширилмоқда, холос. Маҳалланинг ички кўчаларига кирсангиз, ҳеч қутилмаган ноҳус манзараларга гувоҳ бўлишингиз аниқ.

Шунингдек, “Янгийўл” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ишлар тизимли йўлга қўйилмаган. 11-умумтаълим мактаби таъмирлашга киритилган бўлиб, “Кувасойтехмонтаж” масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилиш ишлари суст бажарилмоқда. Катта йўл бўйидаги фуқаро Ш. Эминовга қарашли ҳудуд эса буткул қаровсиз ҳолга келиб қолган. Нима, мутасаддилар бу аҳволдан беҳабарми? Ёки ҳали-ҳамон “бизга шу ҳам бўлаверади” қабилида иш туттишяптимикиан?

Заркент бир пайтлар теваарак-атрофдаги энг обод қишлоқ сифатида тилга олинар эди. Ҳозир эса...

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга жорий этилаётган “Обод қишлоқ” дастури ўзлари яшаётган ҳудудда амалга оширилишини эшитган аҳоли беҳад хурсанд бўлган эди. Лекин, афсуски, аҳвол ҳали-ҳамон ўзгармаган.

Ёмони қолиб, яхшисидан бошлашди

“Обод қишлоқ” дастури ижросига Андижон вилоятининг айрим туманларида мутасаддилар панжа орасидан қарашмоқда. Жумладан, вилоятнинг ўзида 22 та маҳалла бош режаси ханузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса, бошланган хайрли ишлар баъзи куйи тизимдаги масъуллар томонидан амалда кенг татбиқ этилмаётганининг исботидир.

(Давоми 4-бетда).



ИНСОН ҚАДРИ — УЛУФ

У эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак.

◀ (Давоми. Бошланиш 1, 3-бетларда).

Вазиятни яқиндан ўрганиш мақсадида Булоқбоши туманидаги “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинига бордик.

— Қишлоғимиз “Обод қишлоқ” дастурига киритилганида, жуда қувонгандик, — дейди Раҳиммахон Исроилова. — Боиси, Манас қишлоғидаги ўзгаришларни телевизор орқали кўриб, ҳавасимиз келганди. “Қани эди, маҳалламиз ҳам шундай кўркем, чиройли, обод бўлса, кўчаларимиз равон тортиб, биз ҳам фаровон турмуш кечирсак”, дея орзу қилгандик. Лекин қишлоғимиздаги бугунги вазиятни кўриб, тарвузимиз кўптигимиздан туди.

Дарҳақиқат, маҳаллани айланар эканмиз, таъмирталаб йўللардан қўнглимиз зада бўлди. Икки йўллари-ку, асти қўяверасиз...

— Маҳалламизда 3 та кўча бор, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Раҳмонов. — “Обод қишлоқ” дастури ижросини таъминлаш доирасида 5200 метр масофага сув қувури тортилди. Тез кунларда тоза ичимлик суви масаласида ҳеч қандай муаммо бўлмайди. 400 метр масофага электр тармоғи олиб келинди. Худудимизда 2 та ҳаммом, 5 та хусусий савдо дўкони, 3 та чойхона, битта ўқув муассасаси, битта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, туман марказий касалхонаси мавжуд. Дастур ижросини таъминлаш юзасидан бошланган хайрли ишлар давом этмоқда.

Надоматларки, маҳалланинг ҳар бир кўчасига кириб, маҳалла раиси мактабни айтган ишларга гувоҳ бўлмадик. Ваҳолонки, 400 метр масофага электр тармоғи тортиш, 120 та эски симёғочни янгисига алмаштириш, 16,4 километр масофадаги кўчага шағал ётқизиш лозим. 140 та кам таъминланган оиланинг ҳовли-жойларини ҳомийлик ёрдами асосида таъмирлаб бериш ишлари режалаштирилган эди. Бу борада шу пайтга қадар ҳеч қандай амалий ишлар бажарилмади. Тўғри, 10 та оилага “Хар бир оила — тadbиркор” дастурига биноан қўй олиб берилди. Бироқ кредит маблағи учун ариза ёзган фуқаролар сони 160 нафардан ортади.

— “Обод қишлоқ” дастури ижросини таъминлаш юзасидан ҳаракатлар “Буёқ Турон” маҳалла фуқаролар йиғинида давом этаётганлиги сабабли Юксалишда ишлар бир оз тўхтаб қолди, — дейди бизнинг саволларимиздан ўнғайсизланган маҳалла раиси Улуғбек Раҳмонов.

Хатто, шундай бўлган тақдирда ҳам масъуллар хонадонларда бўлиб, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориши, оммавий ҳаширлар уюштириши лозим эмасми? — “Обод қишлоқ” дастури аҳоли ўта оғир қишлоқларда амалга оширилади, деб ўйлагандим, — дея суҳбатга қўшилиди Навқирон кўчасида истиқомат қилувчи Ҳакимжон Раҳимов. — Юксалиш ҳам, Буёқ Турон ҳам туман марказида жойлашганлиги сабабли бирмунча қўлай шароитларга эга. Жумладан, табиий газ, ичимлик суви ҳамда электр энергиясида муаммолар кўп эмас. Аксарият кўчалар асфальтланган, аммо таъмирталаб. Фуқаролар, асосан, хунармандчилик билан машғул. Айниқса, мебелсозлик билан шуғулланувчилар кўп. Бироқ туманимизда шундай қишлоқлар борки, умуман

эътибордан четда қолиб кетяпти. Масалан, Кулла, Ширмонбулоқ, Шарқ юлдузи қишлоқларида аҳвол бу ердагидан анча абгор. Шундай бўлса-да, бизда ҳам муаммолар йўқ эмас. Масалан, худудимизда мактаб-гача таълим муассасасини ташкил этиш — энг долзарб масала. Қолаверса, аҳолини тadbиркорликка йўналтириш бўйича жиддий шуғулланиш керак. Мутасаддилар, агар керак бўлса, ҳар бир хонадонга кириб, фуқароларнинг турмуш тарзи билан танишмоғи лозим. Депутатлардан иборат ишчи гуруҳини ҳисобга олмаганда, ҳолимиздан хабар оладиганларнинг сояси ҳам кўринмаяпти. Тўғри, икки кун аввал коллеж биносида туман ҳокими иштирокида йиғилиш бўлиб ўтибди. Лекин бундан биз бехабармиз.

Қувонч ўрнини хавотир эгаллади

Жорий йилнинг 26 апрели Ховос туманидаги “Соҳибкор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 11 кўп қаватли уйда яшовчи 140 хонадон учун ёдда қоларли кун бўлиб қолди. Негаки, шу кунни маҳалла оқсоқолларининг дуоси билан улар яшаётган худудда ҳам “Обод қишлоқ” дастури асосида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Ушанда бу хайрли юмush нафақат мазкур уйларда истиқомат қилаётган оилалар, балки бутун соҳибкорликларга бирдек қувонч улашди. Таассуфки, айни чоғда уларнинг юзиди ана шу хушқайфият ўрнини хавотир эгаллади. Бунга сабаб эса қурилиш-таъмирлаш ишларининг жуда суст олиб борилаётганлиги, баъзи уйларнинг томлари очилгани ҳолда, ҳали-ҳамон ёпилмаётганлигидир.

— Тўнов кўни қаттиқ жала ёғиши туфайли иккинчи қаватда жойлашган уйимиздаги кўрпа-ёстиғу барча кийим-кечагимиз шалаббо бўлди, — дейди 5-уйда яшовчи Наргиза Шоимова. — Негаки, қурувчилар томни янгилаш учун эски шиферларни олиб ташлашди-ю, уни янгилашни чўзиб юборишди. Ростки, қурилиш ишлари бошланганига икки ой бўлибдики, ҳали тайинли бир иш қилингани йўқ. Бузилишлардан сўнг уйимиз атрофи улкан чиқиндиҳонага айланди. Ҳамма ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ҳолатхоналар бузилиб, янгиси ҳануз қурилмагани катта ноқўлайликлар туғдирмоқда.

Наргиза Шоимова, шунингдек, тандирхоналари бузилгач, нон ёпиш ҳам муаммога айланганини билдирди. Атрофга назар соламиз, бу иморатларнинг яқиндагина қўйилган пойдеворларигина кўзга ташланади. Томлари очиб ташланган 5, 6, 7, 8-кўп қаватли уйларнинг тепасида ҳам, пастида ҳам бирон-бир қизгин ҳаракат сезилмайди. Бинобарин, тушлик маҳали ўтиб, соат 15:00 га яқинлашиб қолган бўлса-да, таъмирланаётган уйларда техника тугул, бирон-та қурувчини учратмаганлигимиз, ҳақиқатан ҳам, мазкур худудда ишлар жуда суст олиб борилаётганлигидан далолат беради. Айтиш лозимки, том ва фасадларни таъмирлаш вазифасини “Ойбек — Улуғбек инвестиция”, ҳовлиларни ободонлаштириш,

хусусан, тандирхона ҳамда ҳожатхоналар қуриш, ариқларни янгилаш каби ишларни эса “Ховос камрон” масъулияти чекланган жамиятлари ўз зиммасига олган.

Соҳибкорликлар белгиланган жадвалга кўра, Мустақиллик байрами арафасида бутунлай ўзгача чиройга эга манзилга мушарраф бўлиб, айёмни мана шу обод худудда ўтказишни ният қилишган. Уйлаймизки, туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар Соҳибкордаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш ҳамда қурилиш ишларида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиб, маҳалла аҳлининг ана шу хайрли нияти ижобат бўлиши учун барча чорани кўрадилар, бор имкониятларини ишга соладилар.

Айни кунда маҳалла худудида ободонлаштириш тadbирлари бошланган бўлса-да, иш суръати паст. Маҳаллада жами 847 та хонадон бўлиб, унинг 273 тасида ноқонуний қурилмалар аниқланган. Бугунгача уларнинг 133 таси бузиб ташланди, қолган 140 та ноқонуний иншоотни олиб ташлаш ишларига негадир қўл урилмаяпти. Аҳоли пунктнинг бош режаси, маҳалладаги 269 та тураржойнинг кадастр ҳужжатлари мавжуд эмас.

Дастур бўйича маҳаллада фуқароларга қарашли 65 та тураржойнинг том қисмини шифер билан ёпиш режалаштирилган. Бугунги кунгача атиги 6 та уйнинг томи ёпилди, холос. Мазкур йўналишда ҳомийлар маблағлари, банк кредитларини жалб қилиш бўйича етарли ишлар олиб борилмаяпти.



минлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, тиббий кўриқларни ташкил қилиш масалалари ҳам эътибордан четда.

Маҳалладан туман ҳокимлигига берилган маълумотномада 11 хонадон ҳомийлар томонидан таъмирланганлиги кўрсатилган. Хонадон эгаларидан

— Ўзим қандли диабет, турмуш ўртоғим юрак хасталигига чалинган, — дейди Қумравот маҳалласида яшовчи меҳнат фаҳрийси Бозорбой Худойберганов. — Ўғлим 6 йилдон буён бош мия саратонидан азият чекади. Дори-дармон, тиббий хизмат харажатларидан орттириб уй-жойимизни таъмирлашга ҳам имкон топа олмадик. Ёрдам сўраб бир нечта ташкилотларга мурожаат қилдим, амалий натижа йўқ. Биров аҳволинг не, деб сўрамайди.

Маҳаллада ишсиз фуқаролар 46 нафарни ташкил қилади. “Хар бир оила — тadbиркор” дастури асосида уларни оилавий тadbиркорликка йўналтириш, банк кредитлари ҳисобига янги иш ўринлари яратиш ишларининг бориши ҳам ҳаминқадар.

— Жорий йил 27 июнь кунни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда бу борада бажарилган ишлар чуқур таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгиланганлиги, — дейди “Қумравот” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Содиков. — Маҳалламиз аҳли, фаоллари билдирилган фикрлардан ҳулоса чиқариб, фаолиятимизда туб ўзгариш қилишга бел боғладик.

Раҳбарларда ташаббускорлик етишмаяпти

“Обод қишлоқ” дастурига Тошкент шаҳридан, бор-йўғи, йигирма километр узоқликда жойлашган Мевазор маҳалласи нима учун киритилди? Бу саволга Зангиота туманидаги мутасаддилар асосли жавоб беришди. Ўтган бир йил давомида туман ҳокимлигига ҳамда юқори ташкилотларга энг кўп шикоят мана шу худуддан ёзилди. Газ таъминоти, ичимлик суви таъминоти муаммолари, электр қувватининг узилишлари, йўлларнинг но-чор аҳоли, ижтимоий соҳа объектларининг етишмаслиги аҳоли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Дастурнинг амалга оширилиши бу муаммоларни бартараф қилади. Белгиланган “Йўл харитаси”да уларнинг асосий қисми акс эттирилган. Дастур ижросини таъминлаш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Иккита янги трансформатор ўрнатилди. 113 та симёғоч — режада белгиланганидан тўртдан бир қисми — замонавийларига алмаштирилди. Газ тақсимловчи 23 та ускуна таъмирланди. Тўрт юз метр йўл асфальт қилинди.

Бу ишлар кўлами янада кенг бўлиши мумкин эди. Амалда-чи? Мазкур жараёнда мутасаддиларнинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги етишмаяпти. Натижада ушбу худуд бошқаларга нисбатан кўзга ташланмаяпти.

Хонадонларни таъмирлаш ишлари, асосан, уй эгаларининг зиммасига юкланган. Бировда бор, бошқасида йўқ. Тўғри, арзон нархда қурилиш материаллари етказиб берилмоқда, аммо...

— Эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлар бириктирганми, — дейди МФЙ раиси Ҳабиба Бакирова. — Улар ўзларига бириктирилган иш ҳажмини бажариб бўлишди.

розилик эшитиш мақсадида Абдиқат кўчасидаги ана шундай хонадонларнинг бир нечасини бориб кўрдик. 2-уйда яшовчи ногиронлиги бўлган Давлат Эгамбердиев 2 фарзанди билан томи ёпилган қорасувоқ иморатнинг бир хонасини ўзига мослаштириб олган. “Бу уйда ҳомийлар нима иш қилишди?” деган саволга у мамнун бўлиб, ҳовлининг кўча томониغا қараган деворларини суваб, бўёқдан чиқаришганини айтди. Бундан қурувчилар ичкарига қадам бо-сишмаганини аналдик.

“Таъмирланди” деб ҳисоботга киритилган 6-уйда яшовчи Жаббор Асомов қурилиш ишлари умуман бошланмаган бўлса ҳам, 540 дона шлакоблок, 45 килограмм бўёқ, бир машина кум олганлигидан мамнун.

125-уйда яшовчи Умар Тўраев ҳомийларнинг сувоғи ҳамда бўёғига рози бўлмади. Чунки қорасувоқ уйнинг томини очиб ташлаш лозим. Қурилиш материалларининг йўқлиги сабабли бу иш ярмида тўхтаган.

Маҳаллада 840 хонадон, 1125 та оила, беш мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шунга қарамай, бу ерда на бир тузукроқ савдо марказини, на болалар боғчасини учратасиз. Гузаллик салони, ҳаммом, болалар ўйингоҳи ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Уларни барпо этиш нима учундир дастурда ифодасини топмаган.

Раҳбарлар бу ҳақда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 27 июнь кун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидан сўнггина бош қотириб қолишди. Ҳар ҳолда, бугун маҳаллада “Ана шундай ижтимоий соҳа объектилари қурилармиш”, деган гап тарқалди.

Мослаштирилган мактаб биносида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. “12 нафар қурувчи билан бу иш қачон якунланар экан?”, деган табиий савол туғилади. Мактаб таъмирланганидан кейин ҳам бу ерда ўқши икки сменада ташкил этилади. Чунки у 280 ўқувчи ўрнига мўлжалланган. Ўқувчилар сони эса жорий йилнинг 1 сентябрга бориб 402 нафарга, кейинги ўқув йилида эса 480 нафарга етиши кўтилмоқда. Бу рақамлар эса дастурда кўзда тутилмаганлиги боис аҳоли ҳақли эътироз билдирмоқда.

Биз келтириб ўтган муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Халқимизни рози қилиш энг эзгу муддаомиз экан, демак, ҳар биримиз зиммамизга олган масъулиятни ҳис этишимиз, бурчимизни оқлашимиз керак эмасми? Эл дуоси бошга тож, эл ранжиши эса...

Яхшиши, дуо олайлик, қишлоғу маҳаллалардаги жажжи болалар улғайгач, “Биз меҳр-оқибатли, ваъдасига вафодор мутасаддилар даврида яшадик”, дея раҳмат айтсин. Зинҳор бунинг аксини гапирмасин.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
Саминжон ҲУСАНОВ,
Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
Одилбек ОДАМБОВ,
Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Масъуджон СУЛАЙМОНОВ,
«Халқ сўзи» ва ЎЗА муҳбирлари.

ДАСТУР ИЖРОСИ ҚАЙСИ ХУДУДЛАР ВА ЖАБҲАЛАРДА ОҚСАМОҚДА

● *Дастурга қўшимча киритилган 64 қишлоқнинг 44 таси бўйича, хусусан, Андижонда — 22, Навоийда — 6, Тошкент вилоятида — 13, Хоразмда — 3 та қишлоқнинг бош режаси ишлаб чиқилмаган.*

● *54 қишлоқдаги жами 14 мингта уй-жойни таъмирлаш ишлари бошланмаган. Қишлоқ жойлардаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш ишлари талаб даражасида эмас.*

● *Сизот сувлар сатҳини пасайтириш учун 2,2 минг километр мелиорация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш талаб этилади. Бироқ айни кунда бу борада атиги 10 фоиз иш бажарилган.*

● *73 қишлоқда 455 километр электр тармоқларини ҳамда 40 аҳоли пунктида 76 километр газ таъминотини таъмирлаш ишлари ҳалигача бошланмаган.*

● *Дастурга киритилган қишлоқларда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари орқада қолмоқда. Жумладан, 318 мактаб бўйича лойиҳа-смета ишлари якунланмаган. 109 оилавий поликлиникани таъмирлаш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни жадаллаштириш зарур. Учта вилоятда тиббиёт муассасаларини таъмирлаш ишлари кечиктирилмоқда.*

Боқимандаликни кечириб бўлмайди

Урганч туманидаги Қумравот маҳалласи вилоят марказидан атиги икки километр узоқликда жойлашган. Шаҳар биқинидаги маҳаллада турмуш маданияти, томорқадан фойдаланиш, оилавий тadbиркорлик масалалари ҳавас қиларли даражада эмас. Уй-жой ва коммунал хўжалиги, автомобиль йўлларининг ҳолати ҳам анча хароб.

Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарори асосида аҳоли пунктнинг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, худудни комплекс ривожлантириш ҳамда шу асосда одамларнинг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида Урганч туманида айнан ушбу маҳалла танлаб олинди.

“Обод қишлоқ” дастурида томорқадан самарали фойдаланиш, уни оиланинг чинакам даромад манбаига айлантириш кўзда тутилган. Афсуски, Қумравотда бу борадаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Воҳанинг уста деҳқонлари томорқадан дастлабки ҳосилни аллақачон йиғиштириб олиб, такрорий экинлар парвариши билан шуғулланаётган бир пайтда мазкур маҳаллада 56 нафар томорқа ер эгасига қарашли экин майдонлари қаровсиз ҳолда. Ҳайитбой Камолов, Шарофат Қурбонова ва бошқа бир қанча фуқаролар томорқа ерлари пайкалига анча вақтлардан буён яқин йўламагани шундоқ кўриниб турибди. Ажабланарлиси, маҳалладаги 847 та хонадондан атиги биттасида иссиқхона бор экан. Афтидан мамлакатимизда аҳоли шахсий томорқа хўжаликларида парранда, чорва бош сонини кўпайтириш, замонавий енгил конструкцияли иссиқхоналар ташкил этиш борасидаги янгилықлар Қумравотга ҳалигача етиб келмаган кўринида.

Қишлоқда аҳоли бандлигини таъ-



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нопрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин. Қонунда медиация тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмаслиги, махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислиги принциплари асосида амалга оширилиши ҳам кўрсатилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар томонидан “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди. Қонуннинг мақсади жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекиш кенг тарқалишига йўл қўймаслик, чекмайдиган фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ва тамаки тутуни билан зарарланишнинг олдини олиш, чилим ва электрон сигареталар чекиш натижасида келиб чиқадиغان касалликлар ҳамда гуруҳ бўлиб чекиш оқибатида юқishi хавфи бўлган ҳасталиклар тарқалишининг олдини олишдир.

Қонунда “чилим”, “чилим учун тамакисиз чекиш аралашмаси”, “чилим чекиш учун дамлама”, “чилим учун чекиш тоши”, “электрон сигарета” каби асосий тушунчаларнинг мазмуни очиб берилган, шунингдек, чилим ва электрон сигареталар чекиш мумкин бўлмаган жамоат жойлари рўйхатида аниқлик киритилган.

Қонун чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама ва тарғиб қилишни чеклашга доир нормалардан иборат бўлиб, унда жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш нормаларини кўриш учун масъул шахслар ва уларнинг мажбуриятлари белгиланган, жамоат жойларида жойлашган хоналарни чилим ва электрон сигареталарни чекиш учун бериш, шунингдек, жамоат жойларида чилимни ва электрон сигареталарни фойдаланишга бериш тақиқланади.

Сенаторлар таъкидлаганидек, жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга қаратилган профилактик тадбирларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, таълим масканлари ва бошқа ташкилотлар иштирок этишининг белгилаб қўйилгани бунда муҳим аҳамият касб этади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар ишни янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқиш билан давом эттирдилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Таъкидлаганидек, Қонуннинг мақсади интеграциялашган тадбиркорлар ҳамжамиятини шакллантириш ва тадбиркорлик субъектларининг, улар билан мамлакатларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кенг қамраб олиш ва уларни тадбиркорлар ҳамжамиятини шакллантириш жараёнига жалб қилишдан иборатдир.

Қонунда умумий қоидалар, Палатанинг вазифалари ва функциялари, давлат органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлардаги иштироки, унинг фаолиятини ташкил этиш, халқаро ҳамкорлиги, низоларни ҳал қилиш механизми назарда тутилган.

Қонуннинг янги тахририда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига қўмаклашиш, давлат органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш, ташқи иқтисодий фаолият ва чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳаларидаги Палатанинг функциялари мустаҳкамлаб қўйилган.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши тадбиркорлик субъектларини, айниқса, уларнинг фаолияти шаклланаётган даврда қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратишга, ҳуқуқлари ва қонуний

мий қоидалар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликлар қарантини соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўсимликлар қарантиниға доир тадбирлар ва уларни амалга ошириш, мазкур соҳадаги ахборотнинг очқилги, қарантин остидаги махсулотни олиб кириш ва олиб чиқиш назарда тутилган.

Шунингдек, Қонунда ўсимликлар қарантини соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат назоратини юритиш, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш, ташқи ва ички ўсимлик қарантини бўйича тадбирлар тизимини амалга ошириш, фитосанитар хавфсизлиқни таъминлаш, ўсимликлар қарантини соҳасида самарали мониторинг олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўсимлик қарантини соҳасидаги вазифаларини назарда тутадиган нормалар билан тўлдирилган.

Ўзгаришларга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўсимлик қарантини соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади, тегишли ҳудудда бу соҳада жамоатчилик назоратини амалга оширади, аҳолини ўсимлик қарантини объектлари тарқалганлиги ҳақида хабардор қилишда ўсимлик қарантини давлат инспекторларига қўмаклашади.

Сенаторлар қайд этганидек, мазкур Қонун ўсимлик қарантини соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, қарантин хизмати фаолиятига замонавий хорижий технологияларни ва ишлаш усулларини жорий этиш, Ўсимлик қарантини давлат инспекцияси масъул бўлишларининг мажбуриятларини аниқ белгилаш, шунингдек, дон, ўсимликлар, хом ашё ва бошқа ўсимлик махсулотлари билан халқаро миқёсда савдо қилишда ўсимлик қарантинларини қўзғатувчилар, ёввойи ўтлар ва зараркундалар ўтишининг олдини олиш мақсадида импорт ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг тадбиркорлик субъектлари бажариши керак бўлган фитосанитария чора-тадбирлари ҳамда нормаларини мукаммал

белгилаш орқали фитосанитар хавфсизлиқни таъминлашга доир тадбирларни амалга ошириш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қатор қонунларни ҳам кўриб чиқдилар. Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Ҳисоботда таъкидлаганидек, прокуратура органлари томонидан 2017 йилда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялаш, мамлакатда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини қўлайитириш, туман (шаҳар) прокуратураларида тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг шак-шўбҳасиз ижросини таъминлаш мақсадида 386 та штат бирлиги миқдоридан қўшимча прокурор ўринбосари ва ёрдамчиси лавозимлари жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги “Прокуратура органларининг ахборот-таҳлил фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликга етаклаш, аҳолини оза бераётган воқеалардан ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази ташкил этилди.

Қонунийликни таъминлаш ҳолатини ва жиноятлар сонини таҳлил қилиш натижалари бўйича ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, ҳуқуқий нормаларни қўллашда ноҳилисликка йўл қўймаслик, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида 2017 йилда Бош прокуратура ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, прокурорлар томонидан ҳар йили ўз фаолияти ҳақида халқ депутатларининг тегишли Кенгашларига ҳисобот тақдим этиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳолати тўғрисида хабардор қилиш тартиби белгиланди.

Қишлоқ ҳўжалигида ислохотлар олиб боришга қаратилган қонунлар ижроси бўйича ўтказилган назорат тадбирлари натижасида фермер ҳўжалиқларига

51,3 миллиард сўмлик кредит, 9,9 миллиард сўмлик иш ҳақи олишда ҳамда 5,8 миллиард сўмлик дебиторлик қарзини ундиришда, 375 та фермер ҳўжалигининг банкда ҳисоб рақамларини рўйхатдан ўтказишда ва очишда амалий ёрдам берилди. Назорат тадбирлари вақтида 15,5 минг гектар асоссиз берилган ёки ноқонуний фойдаланилаётган ерлар заҳира жамғармасига қайтарилди, ирригация ва мелiorация тадбирларини ўтказиш учун ажратилган 114 миллион сўм ҳамда 61,8 миллиард сўмлик иш ҳақи, кредитлар ва бошқа тўловлар талон-торож қилингани аниқланди. Айбдорлар жавобгарликка тортилди.

Назорат тадбирлари давомида 51260 та тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари, шу жумладан, 57 та ноқонуний аралашуш ҳолати ва 53 та ноқонуний текширув, 752 та ноқонуний қарор қабул қилингани аниқланди. 49 866 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва 2797 нафар тадбиркорнинг фаолияти тикланди.

Ҳисоботни эшитган, сенаторлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирларни қўлайитириш зарурлигини қайд этилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Қайд этилганидек, 2017 йилда Ҳисоб палатаси томонидан 70 га яқин таҳлилий ўрганиш ва назорат тадбири олиб борилди. Шундан 49 таси бевосита жойларда, қолганлари вазирлик ва идораларда ўтказилди.

Ҳисоботда таъкидлаганидек, 2018 йилги Давлат бюджетни лойиҳасини ва солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини кўриб чиқишда Ҳисоб палатаси томонидан тақлифлар тайёрланган ва Молия вазирлигига тақдим этилган. Ушбу тақлифлар асосида бюджет даромадлари прогнози 1,4 триллион сўмга қайта ҳисоб-китоб қилинди. Давлат бюджетининг республика ва маҳаллий даражадаги шаклланиши ҳамда унинг ижроси юзасидан назорат ўрнатилиб, давлат маблағларининг қонуний, мақсадли, самарали сарфланиши бюджетдан молиялаштирилаётган вазирлик ва идоралар мисолида ўрганиб чиқилди.

Назорат тадбирлари натижасида 37 миллиард сўмлик ва 7 миллион долларлик ноқонуний ва самарасиз харажатлар ҳамда 270 миллиард сўмлик қўшимча даромад манбалари аниқланди.

Сенаторлар ҳисоботни эшитиб, Давлат бюджетни ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан самарали, бюджет даромадлари манбалари билан эса тўлиқ фойдаланиш, жойлардаги секторлар раҳбарларининг иш фаолиятига баҳо бериш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг, Президент қарорлари ва фармойишларидаги топшириқларнинг ижроси устидан назоратни янада қўлайитириш юзасидан тегишли чоралар қўриш зарурлигини таъкидладилар. Муҳокама якуни бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ички ишлар органлари томонидан 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида вазирлик томонидан жамиятда тинчлик ва осийишталликни мустаҳкамлаш, тергов жараёнида гумон остида бўлган ва жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди.

Жорий йил бошидан бўён олиб борилган ишлар натижасида содир этилган жиноятлар сонини 40,7 фоизга камайтиришга эришилди.

Шу билан бирга, кейинги вақтда ички ишлар органларининг тезкор-хизмат фаолияти жиноятчиликнинг эрта олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ишларига қаратилди. Хар бир хонадонни ўрганиш ва мавжуд муаммоларни қисқа муддатда ҳал этиш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди.

Маҳаллаларда жиноятчиликнинг эрта олдини олишда ва аҳолида жиноятларнинг ҳар қандай қўрилишига мурокасиз муносабатни шакллантиришда муҳим омил сифатида қонун ҳар содир этилган жиноятни жамоатчилик билан муҳокама қилиш ва ҳар ойда аҳоли олдида профилактика инспекторлари томонидан ҳисобот бериш механизми йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ёш оилалар орасида ахралиш ҳолатларининг олдини олиш, нотинч оилалардаги жанжалларни бартараф этиш бўйича муҳтақассилар иштирокида мақсадли профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Профилактика инспекторлари Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базаларига уланган замонавий мобил смартфонлар билан таъминлангани уларнинг фаолиятини янада яхшилашда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Шу орқали уларга шўбхали шахсларни текшириш ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ягона базага жойлаштириш учун имконият яратилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари бўлишининг олдини олиш, гумон қилинувчи ва айбланувчиларга нисбатан зўравонлик ва шавқатсизликнинг ҳар қандай қўрилишларига чек қўйиш мақсадида тергов изоляторларида ва терговчилар хоналарида сўроқ қилиш жараёнини стенография аудио тузириш, тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш тизимлари жорий этилди.

Ички ишлар вазирининг ахборотини муҳокама қилиш чоғида сенаторлар томонидан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш борасидаги ички ишлар органларининг фаолиятида янги инновацион технологиялардан янада кенгроқ фойдаланиш тавсия этилди.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ички ишлар органлари фаолиятининг тубдан яхшиланиши 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини муваффақиятли рўёбга чиқаришининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Муҳокама ақунлари бўйича қарор қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн бешинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Мамлакатимиз ривожига доир долзарб масалалар — кун тартибида

Аввал хабар қилинганидек, пойтахтимизда парламент юқори палатасининг ўн бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётини янгиллаш, одамлар турмуш даражасини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақавий ҳамда халқаро ҳамкорлиқнинг шартномавий асосларини қўлайитиришга доир масалалар конструктив муҳокама қилинапти. Биринчи кун сенаторлар қатор қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Муҳбиримиз сенаторларнинг шу хусусдаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мақсуда БАРИСОВА, Олий Мажлиси Сенати аъзоси (Тошкент вилояти):

— Мамлакатимизда кенг қўлмалли ислохотлар изчил ҳамда тизимли амалга ошириляпти. Белгиланган вазифаларнинг самарали ижроси, айтиш мумкинки, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам биз, сенаторлар бу жараёнда четда турмаслигимиз керак. Нисбатан оғир муаммоларни юзага чиқариш ва уларга самарали ечим топиш учун парламент назоратининг янги шакллари амалиётга жорий этилмоқда. Хар ойда Сенат аъзолари маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан бирга туманлардаги ҳақиқий аҳолини ўрганяптилар. Ўн минглаб одамлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш, ижтимоий объектлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ўрганиш, йўл қўйилган хато ҳамда камчиликларни ва уларнинг сабабларини аниқлаш — амалда самарали қарорларни қабул қилишда қўл келмоқда. Ялли мажлисда сенаторлар, қўмиталар ҳамда комиссиялар олдиға давлат дастурлари ижросини таъминлашда ҳудудий вакилларнинг роли ва масъулиятини янада ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Бугун бизнинг ислохотлардан бир қадам ҳам ортда қолишга ҳаққимиз йўқ.

Бойматжон РАСУЛОВ, Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор:

— Бугун дунёда экстремизм ҳамда терроризм хавфи ортмоқда. Улар умуминсоний қадриятларга путур етказди, барқарор тартиққа жиддий ҳавф солади. Шунинг учун юртимиз ён-атрофида барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бугун сенаторлар замон талабиға мос янги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни маъқулладилар. Қонунда экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмлари келтирилган. Аниқ тушунчалар ҳуқуқни қўллаш амалиётининг яхлитлигини ҳамда қўрилаётган чораларнинг самарадорлигини таъминлайди. Экспертлар ва амалиётчилар фикрича, Марказий Осиё мамлакатларидаги биринчи бундай қонун экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги халқаро савй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, миллий идоралар ваколатларини аниқ фарқлаб олиш имконини беради. Қонун оғохлантириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онлини оширишдан тортиб, муайян ҳолатларға чек қўйиш, бу соҳада халқаро ҳамкорлигини йўлга қўйишгача бўлган экстремизмга қарши курашишнинг бутун жараёнини қамраб олади.

Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ҳозирги вақтда иқтисодиётимизнинг жаҳон ҳамжамиятиға интенсив интеграцияси жараёни фаол кечмоқда. Бунда бозор механизмларининг жорий қилиниши ҳамда унинг амалга оширилиши бозор муносабатларини тартибга солиш зарур ҳуқуқий замин, янги институтларни яратиш талаб этмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни ана шу ҳаётий зарурат тўғрйли ишлаб чиқилган. У бозор муносабатлари субъектлари ўртасида айрим низоларни судгача ҳал қилиш имконини яратяди. Бу, ўз навбатида, судьялар иш ҳажмини камайтириш, шу орқали одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, фуқаролик-ҳуқуқий низоларни судгача ҳал этишининг муқобил усулларини ривожлантиришни кўзда тутяди.

Медиациянинг мақсади — тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал қилиш имкониятини топишға қўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, медиаторнинг ҳолислиги, махфийлик қабилир қиради. Медиаторлар тарафлар ўртасида вужудға келган муаммо, келишмовчилик ҳамда низоларни ҳал этишға қўмаклашади. Бунда медиатор далилларини текширмайди ҳамда тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, ақсинча медиаторнинг асосий вазифаси — тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишға, ўзаро мақбул шартларда муаммони ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал қилишға қўмаклашишдан иборатдир.

Гавхар АЛИМОВА, Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Сенат аъзолари томонидан “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги Қонун маъқулланди. Қузатадиган бўлсак, чилим ҳамда “вейп”лар тез тарқалмоқда, улар, айниқса, ёшлар орасида русум бўлмоқда. Айни вақтда булар инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тадқиқотлари билан ҳам тасдиқланган. Мазкур ташкилот бугун дунё мамлакатлари ҳукуматларини чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклашға, уларнинг зарари ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб боришға чақирмоқда.

Янги Қонун жамоат жойларида чилим ҳамда электрон сигареталар чекиш кенг тарқалишининг олдини олишға, чекмайдиган фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашға қаратилган. Шунингдек, у тамаки тутуни билан ифлосланишнинг олдини олишға, чилим ва электрон сигареталар истеъмоли натижасида келиб чиқадиған касалликлар ҳамда гуруҳ бўлиб чекиш оқибатида юқishi хавфи бўлган юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишға хизмат қилади.

Зайнаб БЕРДИЕВА, Олий Мажлиси Сенати аъзоси (Самарқанд вилояти):

— Эркинлик ва тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлаш давлатнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларидир. Тадбиркорлик иқтисодиётни диверсификациялаш ҳамда юксалтиришға, оилалар фаровонлигини, аҳоли бандлигини оширишға қўмаклашади. Утган йилди Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингиде Ўзбекистон 13 поғона юқориларди ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш борасида жаҳон етакчиларининг ўнталигидан жой олди. Ҳозирги вақтда “Хар бир оила — тадбиркор” дастури асосида аҳолини тадбиркорликка жалб этиш бўйича кенг қўлмалли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.

